

**ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**  
**“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 5-2016**  
**Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари**  
**(26 сентябрь-1 октябрь кунлари)**

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**  
**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ**

Ўзбекистон Президенти в. б., бош вазир Шавкат Мирзиёев 1 октябрь куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди ҳамда мазкур ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати билан яқиндан танишди. Ушбу сафарга бағишланган телерепортаж «Ўзбекистон» телеканалининг «Ахборот» дастурида намойиш этилди.

Дастлаб, Шавкат Мирзиёев минтақадаги энг йириги бўлмиш Ширин шаҳрида жойлашган, Ўзбекистон энергетика тизимининг марказий қисмида истеъмолчиларни электр билан таъминловчи асосий манба ҳисобланадиган Сирдарё ИЭСга борган.

1972-80 йилларда қурилиб, 1981 йили фойдаланишга топширилган Сирдарё ИЭС ҳар бирининг қуввати 300 мегаваттга тенг бўлган 10та энергоблокдан иборат (умумий қуввати – 3050 мегаватт). Станция ҳар йили республиканинг ягона энергетика тизимига 16,1 миллиард киловатт-соат ёки Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 32 фоизини беради.

Ташриф чоғида Шавкат Мирзиёев мутахассислар билан мавжуд энергоблокларни техник қайта таъмирлаш ҳисобидан ИЭС қувватларини ошириш масалаларини муҳокама қилган. ИЭС иши самарадорлигини даражада ошириш ва ишлаб чиқарилаётган электр энергияси таннархини тушириш бўйича вазифалар белгилаб берилган. Истеъмол қилинган энергия ҳақининг вақтида тўланишига эришиш учун электр энергияни ҳисоблашни автоматлаштиришни жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шавкат Мирзиёев вилоят маркази Гулистон шаҳрида, 1 октябрь куни ишга туширилган «Гулистон Медтехника» Ўзбекистон–Британия кўшма корхонасига ташрифни амалга оширган. Кўшма корхона учун 7,3 миллион АҚШ доллари инвестиция киритилган, у Жанубий Корея ускуналари билан жиҳозланган. Корхона йилига 216 миллион дона бир марталик шприц ва 26 миллион инфузион тизимлар чиқаради. Корхона маҳсулотлари ҳам ички, ҳам ташқи (МДҲ мамлакатларига) экспорт қилиниши режалаштирилган.

Президент вазифасини бажарувчи Гулистондаги кам таъминланган оилалар учун замонавий кўп қаватли турар жойлар қуриш лойиҳалари билан ҳам танишиб чиққан. Бу мажмуалар тегишли ижтимоий инфраструктурага эга бўлиши кутилмоқда.

Кейин эса Шавкат Мирзиёев Гулистон туманидаги пахта далаларида бўлиб, фермерлар билан суҳбатлашган. Суҳбат чоғида бош вазир пахта етиштирувчи барча туманларда етиштирилган 70 фоизи туманларнинг ўзида қайта ишланиши режаси мавжудлиги ҳақида айтиб ўтган.

«Биз фабрикалар қурамыз, буюмлар, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Фермерлар бу текстиль комбинатларининг иштирокчилари бўлади», — деган у.

Шунингдек, ҳудудда кам таъминланган оилалар учун уйлар қуриш масаласи муҳокама қилинган. Қайд этиб ўтилишича, имтиёзли кредитлар, шунингдек, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилиши уй-жойнинг арзонлигини таъминлайди. Режага кўра, бир, икки ва уч қаватлик янги уй-жой мажмуалари ҳар бир қишлоқ туманида пайдо бўлиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёевнинг сирдарёлик фаоллар билан учрашувида Гулистон тумани мисолида вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг комплекс дастури кўриб чиқилган. Фуқаролар турмуш тарзини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу мақсадга шаҳар ва туманларнинг уй-жой, муҳандислик-коммуникацион ва социал инфраструктуралар қуриш, шунингдек ободонлаштириш ва яшиллаштиришни кўзда тутувчи истиқболли бош режалари реализацияси эвазига эришиш таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари, вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги саноат ишлаб чиқаришларини ташкил этиш, пахта хом-ашёсини ва кечки экинларни ўз вақтида териб олиш ҳамда социал инфраструктурани кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш масалалари муҳокама қилинган.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА ТАБРИГИ**

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни бугунги қутлуғ айём – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилаklarимни изҳор этаман.

Ушбу сана бундан 19 йил олдин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан эл-юртимизнинг сизларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси, умумхалқ байрами сифатида таъсис этилганини албатта ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишни келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шarti деб билган, сизларга ўзининг энг яқин маслакдошлари сифатида катта ишонч ва ҳурмат билан қараган Юртбошимизнинг ўзлари ҳам барчамиз учун меҳрибон устоз, талабчан мураббий эдилар.

Ислом Абдуғаниевич Ватанимизни буюк муҳаббат билан севиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш, бу йўлда бор билим ва тажрибамиз, бутун борлиғимизни сафарбар этиш борасида биз учун юксак ибрат мактабини яратиб кетдилар.

Жаҳон ҳамжамиятида “ўзбек модели” деб тан олинган тараққиёт стратегиямизнинг ажралмас қисми бўлган замонавий таълим-тарбия тизимига асос солган, бу соҳани давлат сиёсатининг устувор йўналиши

даражасига кўтариб, унинг ривожланиш йўллари аниқ белгилаб берган, “Бутун Ўзбекистон болалари – менинг азиз фарзандларим” деб уларни ҳамisha эъзозлаган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўлмас тарихий хизматларини бугунги ва келгуси авлодлар доимо чуқур миннатдорлик билан ёдга олади.

Улуғ устозимизнинг эзгу ғоя ва васиятлари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислохотларни юксак босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод кадрларини вояга етказишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш ҳаммамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиз бўлиб, биз бу йўлда биринчи навбатда сиз, азизларга, сизларнинг билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, комил инсон этиб вояга етказиш йўлидаги беқиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак кадрлайди.

Айни пайтда бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоҳанг бўлишини, балки замондан олдинда юришини таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илғор усулларида кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва домлаларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизга катта куч бўлиб қираётган янги авлодимизни камол топтириш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар сафарбар этилади.

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Сиз, азизларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, ҳаётда ва меҳнат фаолиятингизда бахт ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
вазифасини бажарувчи

### ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов улғайиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, йигит-қизларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказишда таълим фидойиларини ўзининг энг яқин ёрдамчиси, деб билар эди. Истиқлол йилларида янгича тафаккурга эга, соғлом ва баркамол ўғил-қизларни тарбиялашда педагогларнинг ўрни ва мавқеи ҳар қачонгидан кўра юксалди.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар, илмий анжуманлар, учрашувларда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларга чуқур билим бериш, уларни она Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муаллимларнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

30 сентябрь куни бир гуруҳ фахрий ва фаол ўқитувчилар, ёш муаллимлар хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Шу куни Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу байрам муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ходимлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, мактаблар, академик лицей ва касб-хунара коллежаларининг педагоглари, спорт мураббийлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки кунларидан янгича билим ва тафаккурли, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури жамиятимиздаги ижтимоий-маърифий ҳаётни тубдан ўзгартирди. Ушбу ҳужжатлар замонавий билим масканларини барпо этиш, ёшларни 12 йиллик бепул мажбурий таълим билан тўлақонли қамраб олиш, давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини замон руҳига мос тарзда ислоҳ этиш каби кенг қамровли ишларни тизимли амалга оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Ўқитувчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор таълим тизимининг барча бўғинларида яққол кўзга ташланмоқда. Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақини бир неча баробар ошириш, уларнинг ўз устида ишлаши, изланиши, дарс жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилаётган лойиҳалар, турли маърифий-ижодий танловлар ёшларга билим беришга доир илғор тажрибалар, инновацион ғоя ва ташаббусларнинг тобора кенг қулоч ёйиши, оммалашиши, болаларнинг ўқишга иштиёқи кучайиши, ўзлаштиришда ижобий натижаларга эришишга хизмат қилмоқда. “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши мактаб директори”, “Йилнинг энг яхши психологи”, “Йилнинг энг яхши

методисти”, “Йилнинг энг фаол маънавий тарғиботчиси”, “Йилнинг энг яхши фаол маънавий-марифий ишлар бўйича директор ўринбосари” каби кўрик-танловлар орқали илғор, ташаббускор, ижодкор педагоглар тажрибасини атрофлича таҳлил этиш ва ўрганиш, инновацион иш тажрибасини янада кенгроқ оммалаштириш орқали таълим мазмуни такомиллашмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори хорижий тилларни ўқитишга доир ишларни замон руҳи билан ҳамнафас йўлга қўйиш, бунда педагогларнинг касбга оид билим ва кўникмаларини доимий янгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чет тиллари ўқитувчиларини қўшимча рағбатлантириш мақсадида “Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси” кўрик-танлови ўтказилиши яхши анъанага айланди.

Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида малакали тренер-ўқитувчилар таркибини янада кенгайтириш, уларни ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш ишлари ортди. Таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида минглаб ёшларимиз спорт, фан олимпиадалари, халқаро ижодий танловлар, кўрик-фестивалларда муваффақият қозонмоқда.

Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 29 сентябрдаги фармонида мувофиқ таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2016» танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси М.Шарапова, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Болгария ва Кипрда ўтказилган талабаларнинг математика бўйича халқаро олимпиадаси олтин медаллари соҳиби Х.Эгамберганов таълим-тарбия олиш учун яратилган замонавий шароитлар, ўқитувчилар меҳнатини эъзозлаш борасидаги юксак эътибор учун давлатимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон халқ шоири С.Сайид устоз ва мураббийларни байрам билан қутлаб, уларга бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг «Мирзо Улуғбек» спектакли намоиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БУХОРО ВА НАВОИЙ ВИЛОЯТЛАРИГА  
ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев Навоий ва Бухоро вилоятларида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 24 сентябрь куни Навоий ва Бухоро вилоятларига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига сафари давомида мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов қарорларига мувофиқ “Навоийазот” акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Жумладан, поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуанинг қурилиш жараёнини кўздан кечирди. Ушбу саноат объекти ишга туширилгач, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида 100 минг тонна ПВХ ва 295 минг тонна метанол ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, каустик сода ишлаб чиқариш ҳажми 71,8 минг тоннага кўпаяди.

Шавкат Мирзиёев аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилган йирик инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши билан ҳам танишди. Бу ерда яратилаётган қувватлар йилига 660 минг тонна аммиак ва 577,5 минг тонна карбамид ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи яна бир муҳим лойиҳа – замонавий энергия тежовчи технологиялар билан жиҳозланган, йилига 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектга ташриф буюрди. Янги корхона ишга туширилгач, бу ердаги 50 йил аввал ўрнатилган эски қувватлар олиб ташланади.

Ўзбекистон кимё саноати ва бутун иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу лойиҳалар Япония, Швейцария, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар ва ускуналар асосида амалга оширилмоқда.

Янги корхоналарда бир минг уч юздан ортиқ иш ўрни яратилади. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларида янги технологиялар ва ускуналарни бошқарадиган ёш мутахассислар тайёрланмоқда. Улар хориждаги корхоналарда малака ошириб, ишлаб чиқаришни ишга туширишда иштирок этиши ва шу корхоналарда меҳнат қилиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳрида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Навоий шаҳри бош режасининг амалга оширилиши муҳокама этилиб, кам таъминланган оилалар учун уй-жой қуриш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Вилоят бўйлаб сафари чоғида Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалик ишларининг бориши билан ҳам танишди, пахта далаларини кўздан кечирди. Кармана тумани фермерлари билан суҳбатлашди.

Навоий вилояти фаоллари билан учрашувда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги ғалла экишни самарали ташкил этиш, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ғамлаш, коммунал хизматлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида қурилаётган Қандим газни қайта ишлаш заводида ташриф буюрди.

Қиймати 2,6 миллиард долларга тенг бўлган ушбу йирик инвестицион лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан қабул қилинган 2015-2019 йилларда таркибий ўзгартиришларни, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури ижроси доирасида Россиянинг «Лукойл» компанияси билан ҳамкорликда ҳамда Жанубий Кореянинг «Хундай Инжиниринг» ва Сингапурнинг «Энтер Инжиниринг» компаниялари иштирокида амалга оширилмоқда.

Хусусан, лойиҳанинг амалга оширилиши янги юқори технологик қувватлар ва замонавий инфратузилмани ишга тушириш ҳисобидан йилига 8,1 миллиард куб метр табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш, шу асосда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради

Беш ой аввал – жорий йилнинг 18 апрель куни Қандим заводи қурилиши бошланишига бағишланган расмий маросим бўлиб ўтган эди. Ўтган давр мобайнида салмоқли тайёргарлик ва қурилиш ишлари амалга оширилди, жумладан, объектларнинг вертикал лойиҳалаштирилиши, ташқи инфратузилмани тайёрлаш ва барпо этиш якунланди, навбатдаги қурилиш ва монтаж ишлари бажарилмоқда, ишлаб чиқариш муддати узоқ бўлган барча ускуналарга буюртмалар берилди.

Заводнинг биринчи навбатини 2018 йилда фойдаланишга топшириш, сўнг қисқа муддатларда тўлиқ қувватда ишга тушириш режалаштирилган.

Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Лукойл» нефть компанияси президенти Вагит Алекперов билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев «Лукойл»нинг Ўзбекистон нефть-газ тармоғида кўшма инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирокини қайд этиб, замонавий технологиялар жалб қилинган ҳолда Қандим газни қайта ишлаш заводи қурилишида олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолади.

Ўз навбатида Вагит Алекперов «Лукойл» компанияси Ўзбекистон нефть-газ тармоғида ҳаётга татбиқ этилаётган инвестицион лойиҳалар доирасидаги барча мажбуриятларини ўз вақтида бажаришини қайд этди.

Бугунги кунда «Лукойл» Қандим гуруҳи ва Ҳавзак, Шоди, Қўнғирот истиқболли газ конларини ўзлаштириш, Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт ҳудудидаги нефть-газ участкаларига ишлов бериш бўйича кенг кўламли

ишларни амалга оширмоқда. Биргаликдаги геология-қидирув ишлари доирасида Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмида истиқболли углеводород конлари очилди. Компаниянинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳаларга киритаётган инвестициялари ҳажми 5,5 миллиард доллардан ошди.

Учрашув чоғида «Лукойл» компанияси билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТОШКЕНТНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАНИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 25 сентябрида Тошкент шаҳрининг Сергели туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, аҳоли мавзелари, кўп қаватли турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишларининг бориши билан яқиндан танишди. Айниқса, нураб қолган эски уйлар ўрнида янги биноларни қуриш, кўп қаватли уйлардаги яшаш шароитларини янада яхшилаш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб, коммунал хизматлар сифатини ошириш, бу борада иқтисодий тежамкор усулларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бу ҳақда ЎЗА хабар бермоқда.

Аҳоли вакиллари ва шаҳар раҳбарлари, мутасаддилар иштирокида ўтказилган учрашувда Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри учун устувор аҳамиятга эга бўлган йирик дастур – Сергели туманида 2017-2022 йилларда 500 та кўп қаватли уйнинг бунёд этилиши билан боғлиқ лойиҳа ишлаб чиқилганига алоҳида тўхталди. Бу турар жойларнинг бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган пухта лойиҳалар асосида қурилиши, уларни энг замонавий инфратузилмалар билан таъминлаш бўйича мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар билан атрофлича фикр алмашди.

Таъкидлаш жоиз, бу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши қарийб 30 минг оиланинг янги уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини яратади. Шуниси эътиборлики, уйлар оилаларга имтиёзли ипотека кредити орқали берилади.

Учрашувда яна бир муҳим масала – азим пойтахтимизнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва ҳудудларни янада кўпайтириш масаласи муҳокама этилди. Пойтахтда янги транспорт-коммуникация тармоқлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер усти тезюрар метро йўналишлари қурилишини лойиҳалаштириш ишларини жадаллаштириш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шавкат Мирзиёев яқин келгусида амалга оширилиши мўлжалланган бу лойиҳалар нафақат Сергели туманини, балки бутун Тошкент шаҳрининг имконият ва салоҳиятини янада юксалтириш йўлида катта истиқболлар очиб беришини қайд этди.



Учрашувда пойтахт аҳолиси учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, улкан ҳажмдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш масаласи доимий эътибор марказида бўлиши таъкидланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БОШ ВАЗИР ҲИСОБОТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 23 сентябрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни 17 моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритилди.

Унга мувофиқ, фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатасининг кўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва таклифлар Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Фракциялар, Қонунчилик палатаси кўмиталари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда Қонунчилик палатаси мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарблиги масалаларига доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилган қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

## ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИГА ҚЎШИМЧА ВАКОЛАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 23 сентябрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ, Сенат кўмиталари янги ваколатларга эга бўлди. Жумладан, Сенат кўмиталари, юқори палата мажлисида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг, улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Сенат ва унинг Кенгаши, Сенат кўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни эшитади.

Шунингдек, қонунлар ва Сенат қарорларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижро этилишини, ҳуқуқни қўллаш

амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади. Янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Ҳужжатда Сенат кўмиталари қонунларга мувофиқ, бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги қайд этилган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕНАТИ ТУРЛИ ҲУКУМАТ ИДОРАЛАРИ ВА ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ҲИСОБОТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2016 йил 23 сентябрь куни Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган қонуннинг 18 моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Сенати зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкин.

Сенатнинг ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон парламенти юқори палатаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига юборилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юборилади.

Шу билан бирга, мазкур қонунда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади.

## ЎЗБЕКИСТОН ТИВДА АҚШ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

2016 йил 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Америка Қўшма Штатларининг фавқулодда ва мухтор элчисини қабул қилди. Сухбат чоғида БМТ Бош Ассамблеясининг Нью Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 71-сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси делегациясининг иштироки доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон-АҚШ учрашувларининг яқунлари ҳамда икки томон кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ШАРТНОМА БЎЙИЧА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТИ ЎЗГАРДИ

Ўзбекистонда шартнома бўйича ҳарбий хизматга унвонидан қатъи назар 5 йил муддатга қабул қилиш тартиби жорий этилди. Ўзбекистон президенти вазифасини вақтинча бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгаришларга кўра шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилинаётган шахслар билан дастлабки шартнома 5 йил муддатга тузилади. Парламентнинг қуйи палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан тасдиқланган Қонун ҳужжати 24 сентябрь куни нашрларда эълон қилинди ва кучга кирди.

Ҳарбий хизматда бўлишга имкон берувчи ёшга қадар 5 йилдан кам қолган бўлса, шартнома бундан оз муддатга тузилиши мумкин.

Илгарилари ҳарбий хизматни ўташ борасидаги дастлабки шартнома муддати унвонга боғлиқ эди. Хусусан, оддий аскар ва сержантлар билан 3 йил, офицерлар таркибидаги лавозимларда хизмат ўташ бўйича эса 5 йил муддатга шартнома тузиларди. Ҳарбий хизматни ўташ муддати ва унинг асосий шартлари аввалгидек шартномада белгиланади.

## II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН ТУРКМАНИСТОНГА МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ ҲАЖМИНИ ОШИРАДИ

Шартномалар 26 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман қўшма комиссиясининг 12-йиғилишида имзоланди. Музокараларда Туркменистон делегациясига савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири Довран Оразмирадов бошчилик қилди. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги матбуот хизмати маълумотига кўра, йиғилишда ташқи савдо юқларини транзит ташишда ўзаро преференцияларни тақдим этиш йўли билан транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Тошкент вагонсозлик ва таъмир заводи базасида туркман темир йўлларининг ҳаракатдаги таркибини модернизация қилиш ва таъмирлаш соҳасидаги муваффақиятли ҳамкорлик ҳамда иқтиқболли алоқалар қайд этилди. Туркман авиапаркини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш, шу жумладан, Uzbekistan Airways Technics авиакорхонаси базасида

самолётларнинг композит компонентларни таъмирлашни йўлга қўйиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Қарз муносабатлари, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш, минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий базани ривожлантириш борасида ҳамжиҳатликдаги сиёсатни юритиш каби масалалар ҳам кун тартибидан ўрин олди.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-туркман қўшма комиссияси 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Сўнгги йиғилиш 2015 йилнинг 18–19 август кунлари Ашхободда бўлиб ўтган эди.

2015 йил якунларига кўра, икки давлат ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 319,7 млн долларни, жорий йил январь-август ойларида эса 177,1 млн долларни ташкил этди. Айни пайтда Ўзбекистонда туркман томони иштирокидаги етти корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолиятидаги асосий соҳалар: савдо ва хизмат кўрсатиш, текстиль соҳаси, коплама материаллар ва мебеллар ишлаб чиқариш саналади.

Туркменистон худудида эса Ўзбекистон резидентлари иштирокида саноат маҳсулотларини туркман бозорига экспорт қилиш бўйича фаолият кўрсатувчи олти корхона ташкил этилган.

#### ЎЗБЕКИСТОН-ҚОЗОҒИСТОН ҚЎШМА ДЕМАРКАЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

2016 йилнинг 26-30 сентябрь кунлари Алмати шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумат делегациялари иштирокида Ўзбекистон-Қозоғистон Қўшма демаркация комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон-Қозоғистон Давлат чегаралари демаркацияси тўғрисидаги шартнома лойиҳасига илова қилинадиган демаркация бўйича экспертлар даражасида тайёрланган якуний ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш давом эттирилди. Музокаралар ишчанлик муҳитида, дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида бўлиб ўтди.

#### ФИНАЛДА АРГЕНТИНА РОССИЯНИ ЕНГИБ, ИЛК МАРТА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Россия ва Аргентина терма жамоалари Колумбияда бўлиб ўтган мини-футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финалида учрашдилар. Калида бўлиб ўтган учрашувда аргентиналиклар қўли баланд келди. Россия терма жамоаси учун жаҳон чемпионатларидаги биринчи финал 5:4 ҳисобида аргентиналиклар фойдасига якунланди. Шу тариқа, россияликлар ўз тарихларида биринчи бор мундиал кумуш медалини қўлга киритдилар. Россия терма жамоаси сафида голларни хет-трик амалга оширган Эдер Лима (16, 22 ва 40-дақиқалар) ва Дмитрий Лисков (39-дақ.) урдилар. Аргентиналиклар сафида голларни Аламиро Вапораки (16), Леандро Куззолино (20), Алан Бранди (22, 23) ва Константино Вапораки (39) киритдилар. Россияликлар ўйин якунида ўзларининг энг яхши ўйинларини намойиш қилиб, бир дақиқа ичида 2 та жавоб тўпини киритиб, йирик мағлубиятдан қочишга муваффақ бўлишди.

Бунгача Россия ва Аргентина терма жамоалари 6 марта учрашишган: 3 та ўйинда россияликлар ғолиб бўлган, 3 та ўйин дуранг билан якунланган. Афсуски, ҳал қилувчи учрашувда россияликлар биринчи марта рақибларига ютқазишди.

### БРИТАНИЯЛИК РАДИОТИНГЛОВЧИ РОССИЯГА ҚАРШИ ТАШВИҚОТЛАРНИ БАС ҚИЛИШНИ СЎРАДИ

Буюк Британияда LBC радиоси эфирда радиотингловчилардан бири Россияга қарши ташвиқотлардан чарчагани ҳақида гапирди. Бу ҳақда Sunday Express хабар тарқатган.

Ўзини Ивонн дея таништирган аёл эфирда 2014 йили Украина осмонида МН17 самолёти уриб туширилгани воқеаси муҳокама қилинаётган вақтда қўнғироқ қилган ва «барча томонлардан ҳаддан ташқари кўп иғво эшитгани, буни энди тўхтатса ҳам бўлиши»ни айтиб ўтган. Унга қарши фикр билдирган бошловчи фуқаролик самолётини Британия уриб туширмаганини айтган. Радиотингловчи эса, «Путин яхши йигит эмаслигини, лекин британияликлар ҳам ундан қолишмаслигини, британиялик сиёсатчилар ҳам дунё бўйлаб зиддиятлар юзага келтиришга уста эканини» қистириб ўтган.

«Биз бутун дунёдаги давлатларнинг ишларига аралашиб, интервенция қиламиз. Путин бундай эмас. Бизда жуда кўп пропаганда. Биз урушга йўл олган ойпарастлар казимиз», дея Ивонн хонимнинг сўзларини келтирган нашр.

2014 йилнинг июлида Донбасс осмонида ҳалокатга учраган Малайзия Boeing'и билан боғлиқ фожиа бўйича текширув гуруҳи ҳисоботида самолёт Россиядан олиб келтирилган «Бук» зенит-ракета комплекси ёрдамида уриб туширилгани, лекин, шу билан бирга, Россиянинг бунга алоқадорлиги ҳақида гапириш эрталиги таъкидлаб ўтилган эди. Расмий Киев бу ҳисоботга муносабат билдирар экан, «Бук»нинг ўрнатилган йўналиши ҳалокатга Россия алоқадорлигини кўрсатишини таъкидлаб ўтди. Ўз навбатида, Россия ТИВ Нидерландия прокуратурасининг хулосалари ноҳолис экани ҳамда сиёсий тағзаминга эгаллигини айтди.

### РАМЗОН ҚОДИРОВ «ОСОЙИШТАЛИКНИ БУЗУВЧИЛАРНИ» ОТИШГА ЧАҚИРДИ

27 сентябрда «Грозний» телеканали бўйича соат 19.00 даги кечки янгиликларда Қодировнинг маҳаллий ҳуқуқ-тартибот муассасалари вакиллари, амалдорлар ва имомлар билан йўлларда содир бўлаётган ўлимларнинг юқорилиги ва республикада спиртли ичимликлар тақиқлангандан кейин кескин ошиб кетган «таблеткали» гиёҳвандликка қарши кураш мавзусидаги йиғилиши ҳақидаги лавҳа намойиш қилинган.

Қодиров йиғилишда йўл-транспорт қоидаларини маст ва гиёҳванд моддалар таъсирида бузувчилар статистикасини келтириб ўтди.

Қодировнинг таъкидлашича, бундай қоидабузарликлар сони уларга қарши қатъий кураш усуллариغا қарамадан тобора ошиб бормоқда.

2015 йил августда Қодиров бундай қоидабузарларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаларинигина эмас, балки машиналарини ҳам тортиб олишни буюрганди. Бироқ, шунга қарамай, республикада ўлим билан якунланувчи

йўл-транспорт ҳодисалари деярли ҳар куни юз беради, гиёҳвандлар миқдори ҳам камаймаяпти. Лавҳада Қодиров ҳуқуқ-тартибот муассасалари вакилларига юзланиб, «Ҳозирда Чеченистонда осойишталикни бузаётганлар отиб ташлансин. Бу қонунийми, қонуниймасми – аҳамиятсиз. Отиб ташлансин! Тушундингларми? Ассалому алайкум ва муаммолар йўқ! Мана сизларга қонун!», деб айтган.

Шу куннинг ўзидаги 22.00 даги кечки янгиликларда лавҳага тушган бу парча кесиб ташланган, бироқ кеч бўлган: Рамзон Қодировнинг бу айтган сўзлари аудиоёзуви ижтимоий тармоқларда тарқалиб кетишга улгурган.

#### РОССИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ РАСМИЙ ВАКИЛИ ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ЧЕГАРАЛАР ЁПИЛИШИГА ҚАРШИ ЧИҚДИ

Афғонистон томондан солинаётган хавф туфайли Ўрта Осиё давлатлари билан чегараларни ёпиш нотўғри қарордир, деб ҳисобламоқда Россия ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Мария Захарова. «Менинг фикримча, чегаларни ёпиш – ечим эмас. Назорат қилиш – шак-шубҳасиз. Миграция сиёсати – албатта. Ўз манфаатларини тушуниш ва улар учун курашиш – бу устувор нарсалардир, бироқ интеграцияни ривожлантириш бу давлатларга иқтисодий ривожланиш, тараққиёт ва илм ўрнига одамларнинг, айниқса ночор одамларнинг онгига осон ўрнашувчи экстремизм, террорчилик, гиёҳванд моддалар ва шу қабилар келишига қарши эмлаш ҳисобланади», деб айтди Захарова интервьюларидан бирида. Унинг айтишича, чегараларни ёпишдан воз кечиш Россияга Ўрта Осиёга солинаётган хавфни бартараф этишда ёрдам беради. Афғонистонда «Толибон» радикал ҳаракати йирик шаҳарларга ҳужумини бошлади. Шунингдек, бу мамлакатда ИШИД террорчилик гуруҳи таъсири ошган.

#### ПОКИСТОН КИНОТЕАТРЛАРИДА ҲИНД ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИ МАН ЭТИЛДИ

Покистоннинг йирик кинотеатрлари мамлакат қуролли кучлари билан бирдамлик рамзи сифатида ҳинд фильмлари намоёйишини ман этди. Тақим пойтахт Исломобод ва Карачи, Лаҳор шаҳарларида жорий этилди. Кинозаллар тармоқлари ва алоҳида кинотеатрлар ҳинд фильмларини камида бир неча ҳафта ёки икки давлат ўртасидаги муносабатлар изга тушмагунича кўрсатмасликларини маълум қилди. Айни пайтда, кинотеатрлар эгалари ушбу қарордан молиявий жиҳатдан зарар кўриши мумкинлигини яширмапти — Болливудда ишлаб чиқарилган фильмлар Покистонда жуда оммалашган. Мамлакат киносаноати кўшни давлат билан рақобатлашишга ҳаракат қилмоқда, бироқ ҳозирча бунинг уддасидан чиқолмаяпти. Бундан аввалроқ Ҳиндистон продюсерлари ассоциацияси покистонлик актёрларга Болливудда ишлаш ман этилишини эълон қилганди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар террорчилар 18 сентябрь куни Кашмирда ҳинд ҳарбийларига ҳужум қилиб, 18 кишини ўлдирганидан сўнг таранглашди. Ҳиндистон томони бунда Покистонни айблади. Мазкур ҳодисадан сўнг назорат чизиғида бир неча бор отишмалар юз берди.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.